

Бақара сураси, 176-оят

08:30 / 14.01.2018 2934

Бу, албатта, Аллоҳ Китобни ҳақ ила нозил қилгани учундир. Китоб хусусида ихтилоф қилганлар эса тубсиз мухолифликдадирлар.

Бақара 176.

Қўлларидаги ҳидоят ва мағфиратни бой бериб, қаттиқ азобга дучор бўлишларининг сабаби:

«Аллоҳ Китобни ҳақ ила нозил қилгани учундир», улар ўша Китобни тан олмадилар. Ҳолбуки, бу ҳақ Китобга амал қилиб, бахт-саодатда яшасалар бўлар эди. Аммо улар Аллоҳнинг Китоби хусусида ихтилоф қилдилар, тубсиз талашув ва туганмас ихтилоф гирдобига тушиб қолдилар. Оқибатда мазкур азобларга дучор бўлдилар. Ҳа,

«Китоб хусусида ихтилоф қилганлар эса тубсиз мухолифликдадирлар».

Аллоҳнинг Китоби ҳақида ихтилоф қилган ҳар бир умматнинг ҳоли шундай бўлади.